

## **ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ ВА ҲУДУДЛАРИ**

**А. Акбаров, Н. Собиров**

**Бугунги кунда дунёда қанча давлат мавжуд?** Сайёрамиз шунчалик каттаки, бу саволга тўлиқ жавоб бериш жуда қийин. Сайёрамизда ўз анъаналари ва тарихига эга бўлган турли-туман миллатлар яшаб келмоқда. Улар давлатининг номи эса этник номи билан аталмайди. Шунинг учун юқоридаги саволга жавоб беришнинг қийинлиги шундаки, дунёда айрим давлатлар пайдо бўлаётган пайтда бошқалари ҳалокатга учрайди, бошқалари эса гуллаб- яшнайди. Бутун тарихий жараён шу қонуният асосида кечади.

Турли манбалар бизга дунё давлатлари сонининг турлича рақамларини тақдим этади. Айрим манбаларда дунё давлатларининг сони 189,191,192,193,194,195 ёки 196 та деб кўрсатилади. Масалан, АҚШ давлат департаментининг маълумотларига кўра, дунёдаги мустақил давлатларнинг сони 194 та деб кўрсатилиб, унга Косово давлати киритилгани ҳолда Хитой ўзининг бир вилояти деб ҳисоблаб келаётган Тайвань давлати киритилмайди.

Кўпчилик Тайванни давлат сифатида тан олмайди ва дунёдаги мустақил давлатлар сонини 195 та деб ҳисоблайди. Тайвань ўзини мустақил давлат сифатида эътироф этсада, лекин уни айрим мамлакатлар (масалан, АҚШ) расман тан олмайди. Хитой Халқ Республикасининг эътироф этишича, Тайвань Хитойнинг "ажралмас" провинциясидир. Дунё давлатлари Хитой билан дипломатик алоқаларда конфликтга бормаслик учун Тайванни мустақил давлат сифатида тан олмайди, бироқ 100 дан ортиқ мамлакатлар норасмий тарзда Тайванни қўллаб-қувватлади [1].

XX аср давомида дунё давлатлари ва ҳудудларининг сони муттасил ўсиб борди. Бу биринчи навбатда I ва II Жаҳон урушларидан сўнг дунёнинг қайта тақсимлаб олиниши сабабли содир бўлди. Бизга маълумки, биринчи жаҳон уруши (1914-1918 йиллар) да ўша даврда мавжуд 59 та давлатнинг 38 таси, Иккинчи жаҳон урушида эса мавжуд 79 та давлатнинг 59 таси урушга жалб этилган. 1990 йиллар бошида СССР, Югославия, Чехословакиянинг парчаланиши натижасида мустақил давлатлар сони дунёда яна 20 тага ошди. 2008 йилдан эътиборан турли манбаларда муттасил тарзда дунёдаги давлатлар сони ошиб бораётганлиги қайд этилмоқда. Масалан, 2008 йилда давлатлар ва ҳудудлар сони 225-230 та оралиғида деб кўрсатилса, 2014 йилда 262 та, 2015 йилда 271 та деб ҳисобланган.

Шу билан бир вақтда XX аср давомида мустамлакачилик тартибларининг емирилиши ва кўпгина давлатларнинг ўз- ўзини идора

қилувчи сиёсий озодликка эришиши дунёдаги қарам мамлакатлар сонининг камайишига олиб келди.

Мустамлакачилик тизимининг емирилиши натижасида 1945 йилда мустақил давлатлар қаторига Осиё, Африка, Америка, Океания ва хатто Европа (Мальта) нинг 102 та давлати қўшилди. Ўзини ўзи мустақил идора қила олмайдиган, яъни тўлиқ озодликка эришмаган ҳудудлар (турли мустамлакалар протекторатлар, дengiz орти департаментлари) сони 1900 йилда 130 та бўлса, 2005 йилга келиб эса уларнинг сони 16 тагача қискарди. Ҳозирда ушбу ҳудудларнинг кўпчилиги Океания ва Кариб дengизидаги унчалик катта бўлмаган ороллар ҳиссасига тўғри келади.

Суверен давлатлар сонини белгилашда муҳим мезон уларнинг БМТга аъзо бўлиб киришлари ҳисобланади.

1950-1989 йилларда БМТга аъзо давлатлар сонининг ўсиб боришига кўргина давлатларнинг мустамлака асоратларидан чиқиб, озодликка эришиши сабаб бўлди. 1990-2007 йиллар оралиғида БМТга аъзо мустақил давлатлар сони озодликка эришган (Намибия, Эритрея) ва СССР, Югославия, Чехославакиянинг парчаланишидан вужудга келган давлатлар ҳисобига янада кўпайди. БМТнинг таркибига бутун МДҲ давлатлари, собиқ Югославиянинг 6 та давлати, Чехия ва Словакия кирди. 2002 йилда маҳсус ўtkазилган референдум натижаларига кўра, Швейцария БМТга аъзо бўлди. Унгача ушбу давлатнинг БМТ аъзолигига киришига монеълик қилаётган нарса унинг ўзини абадий бетараф давлат сифатида эълон қилгани эди. Ҳозирда мустақил давлат ҳисобланса-да, аммо БМТга аъзо бўлмасдан, факат кузатувчи мақомига эга давлат сифатида Ватикан қолмоқда [2].

Таниқли географ Н.Н. Баранскийнинг қайд этишича, ҳар бир давлатнинг ўз табиий, хўжалик, маданий, сиёсий объектларининг мавжудлиги муҳим географик омиллари ҳисобланади. Бу эса уларни турли гурухларга таснифлаш учун асос бўлади.

Маълумки, бизнинг сайёрамизда олтида қитъа мавжуд бўлиб, қайси давлат қайси қитъада жойлашганлигини айтиш жуда мушкул. Энг катта ва йирик қитъа Евроосиё бўлиб, унда 94 та давлат жойлашган. Ушбу қитъадан турли даражадаги ҳудуд, аҳоли ва ирқларга эга бўлган давлатларни учратиш мумкин [3].

### Қитъалар бўйича давлатлар сони

№	Қитъа	Тан олинган давлатлар	БМТга аъзо давлатлар
1.	Африка	54	54
2.	Осиё	50	47
3.	Европа	44	43

4.	Америка	35	35
5.	Австралия ва Океания	14	14
<b>Барча давлатлар:</b>		<b>197</b>	<b>193</b>

**Ҳозирда 193 та мустақил давлатлар мавжуд**

<b>№</b>	<b>Мамлакатлар нинг номи</b>	<b>Мамлакатларнинг расмий номи</b>	<b>БМТга аъзо бўлган санаси</b>
1.	Австралия	Австралия Иттифоқи	01.11.1945
2.	Австрия	Австрия Республикаси	14.12.1955
3.	АҚШ	Америка Кўшма Штатлари	24.10.1945
4.	Албания	Албания Республикаси	14.12.1955
5.	Ангола	Ангола Республикаси	01.12.1976
6.	Андорра	Андорра Қироллиги	28.07.1993
7.	Антигуа ва Барбуда	Антигуа ва Барбуда	11.11.1981
8.	Аргентина	Аргентина Республикаси	24.10.1945
9.	Арманистон	Арманистон Республикаси	02.03.1992
10.	Афғонистон	Афғонистон Ислом Республикаси	19.11.1946
11.	БАА	Бирлашган Араб Амирлиги	09.12.1971
12.	Багама	Багама Ороллари Ҳамдўстлиги	18.09.1973
13.	Бангладеш	Бангладеш Халқ Республикаси	17.09.1974
14.	Барбадос	Барбадос	09.12.1966
15.	Бахрейн	Бахрейн Қироллиги	21.09.1971
16.	Белгия	Белгия Қироллиги	27.12.1945
17.	Белиз	Белиз	25.09.1981
18.	Белоруссия	Белорус Республикаси	24.10.1945
19.	Бенин	Бенин Республикаси	20.09.1960
20.	Болгария	Болгария Республикаси	14.12.1955
21.	Боливия	Боливия Республикаси	14.11.1945
22.	Босния ва Герцеговина	Босния ва Герцеговина	22.05.1992
23.	Ботсвана	Ботсвана Республикаси	17.10.1966
24.	Бразилия	Бразилия Федератив Республикаси	24.10.1945
25.	Бруней	Бруней Даруссалом	21.09.1984
26.	Буркина Фасо	Буркина Фасо Демократик Республикаси	20.09.1960
27.	Бурунди	Бурунди Республикаси	18.09.1962
28.	Бутан	Бутан Қироллиги	21.09.1971
29.	Буюк Британия	Буюк Британия ва Шимолий Ирландия қироллиги	24.10.1945

30.	Вануату	Вануату Республикаси	15.09.1981
31.	Ватикан	Ватикан Шаҳар-Давлат	
32.	Венгрия	Венгрия Республикаси	14.12.1955
33.	Венесуэла	Боливариан Венесуэла Республикаси	15.11.1945
34.	Вьетнам	Вьетнам Социалистик Республикаси	20.09.1977
35.	Габон	Габон Республикаси	20.09.1960
36.	Гаити	Гаити Республикаси	24.10.1945
37.	Гамбия	Гамбия Республикаси	21.09.1965
38.	Гана	Гана Республикаси	08.03.1957
39.	Гаяна	Гаяна Кооператив Республикаси	20.09.1966
40.	Гватемала	Гватемала Республикаси	21.11.1945
41.	Гвинея	Гвинея Республикаси	12.12.1958
42.	Гвинея-Бисау	Гвинея-Бисау Республикаси	17.09.1974
43.	Германия	Германия Федератив Республикаси	18.09.1973
44.	Гондурас	Гондурас Республикаси	17.12.1945
45.	Гренада	Гренада	17.09.1974
46.	Греция	Греция Республикаси	25.10.1945
47.	Грузия	Грузия Республикаси	31.07.1992
48.	Дания	Дания Қироллиги	24.10.1945
49.	Доминика	Доминика Ҳамдўстлиги	18.12.1978
50.	Доминика Республикаси	Доминика Республикаси	24.10.1945
51.	Жазоир	Жазоир Ҳалқ Демократик Республикаси	08.10.1962
52.	ЖАР	Жанубий Африка Республикаси	07.11.1945
53.	Жибути	Жибути Республикаси	20.09.1977
54.	Замбия	Замбия Республикаси	01.12.1964
55.	Зимбабве	Зимбабве Республикаси	25.08.1980
56.	Индонезия	Индонезия Республикаси	28.09.1950
57.	Иордания	Иордания Хошимийлар Қироллиги	14.12.1955
58.	Ирландия	Ирландия Республикаси	14.12.1955
59.	Ироқ	Ироқ Республикаси	21.12.1945
60.	Исландия	Исландия Республикаси	19.11.1946
61.	Испания	Испания Қироллиги	14.12.1955
62.	Исроил	Исроил Давлати	11.05.1949
63.	Италия	Италия Республикаси	14.12.1955
64.	Кабо-Вerde	Кабо-Вerde Республикаси	16.09.1975
65.	Қамар ороллари	Қамар Федератив Ислом Республикаси	12.11.1975
66.	Камбоджа	Камбоджа Қироллиги	14.12.1955

67.	Камерун	Камерун Республикаси	20.09.1960
68.	Канада	Канада	09.11.1945
69.	Катар	Қатар Республикаси	21.09.1971
70.	Кения	Кения Республикаси	16.12.1963
71.	Кипр	Кипр Республикаси	20.09.1960
72.	Қирғизистон	Қирғизистон Республикаси	02.03.1992
73.	Кирибати	Кирибати Республикаси	14.09.1999
74.	Қозоғистон	Қозоғистон Республикаси	02.03.1992
75.	Колумбия	Колумбия Республикаси	05.11.1945
76.	Конго	Конго Республикаси	20.09.1960
77.	Конго Демократик Республикаси	Конго Демократик Республикаси	20.09.1960
78.	Корея (Шимолий)	Корея Республикаси	17.09.1991
79.	Коста-Рика	Коста-Рика Республикаси	02.11.1945
80.	Кот-д Ивуар	Кот-д Ивуар Республикаси	20.09.1960
81.	Куба	Куба Республикаси	24.10.1945
82.	Кувайт	Қувайт Давлати	14.05.1963
83.	КХДР	Корея Халқ-Демократик Республикаси	17.09.1991
84.	Лаос	Лаос Халқ Демократик Республикаси	14.12.1955
85.	Латвия	Латвия Республикаси	17.09.1991
86.	Лесото	Лесото Қироллиги	17.10.1966
87.	Либерия	Либерия Республикаси	02.11.1945
88.	Ливан	Ливан Республикаси	24.10.1945
89.	Ливия	Ливия Халқ Социалистик Араб Жумхурияти	14.12.1955
90.	Литва	Литва Республикаси	17.09.1991
91.	Лихтенштейн	Лихтенштейн Қироллиги	18.09.1990
92.	Люксембург	Люксембург Буюк Герцоглиги	24.10.1945
93.	Маврикий	Маврикий Республикаси	24.04.1968
94.	Мавритания	Мавритания Ислом Республикаси	27.10.1961
95.	Мадагаскар	Мадагаскар Республикаси	20.09.1960
96.	Македония	Македония Республикаси	08.04.1993
97.	Малави	Малави Республикаси	01.12.1964
98.	Малайзия	Малай Федерацияси	17.09.1957
99.	Малдивлар	Малдив Республикаси	21.09.1965
100.	Мали	Мали Республикаси	28.09.1960
101.	Малта	Малта Республикаси	01.12.1964
102.	МАР	Марказий Африка Республикаси	20.09.1960
103.	Марокко	Марокко Қироллиги	12.11.1956
104.	Маршал Ороллари	Маршал Ороллари Республикаси	17.09.1991
105.	Мексика	Мексика Құшма Штатлари	07.11.1945

106.	Микронезия Федератив Штатлари	Микронезия Федератив Штатлари	17.09.1991
107.	Миср	Миср Араб Республикаси	24.10.1945
108.	Мозамбик	Мозамбик Республикаси	16.09.1975
109.	Молдавия	Молдова Республикаси	02.03.1992
110.	Монако	Монако Князлиги	28.05.1993
111.	Монголия	Монголия Республикаси	27.10.1961
112.	Мьянма ( Бирма)	Мьянма Иттифоқи	19.04.1948
113.	Намибия	Намибия Республикаси	23.04.1990
114.	Науру	Науру Республикаси	14.09.1999
115.	Непал	Непал Федератив Демократик Республикаси	14.12.1955
116.	Нигер	Нигер Республикаси	20.09.1960
117.	Нигерия	Нигерия Федератив Республикаси	07.10.1960
118.	Нидерландия	Нидерландия Қироллиги	10.12.1945
119.	Никарагуа	Никарагуа Республикаси	24.10.1945
120.	Норвегия	Норвегия Қироллиги	27.11.1945
121.	Озарбайжон	Озарбайжон Республикаси	02.03.1992
122.	Палау	Палау Республикаси	15.12.1994
123.	Панама	Панама Республикаси	13.11.1945
124.	Папуа -Янги Гвинея	Папуа -Янги Гвинея Мустақил Давлати	10.10.1975
125.	Парагвай	Парагвай Республикаси	24.10.1945
126.	Перу	Перу Республикаси	31.10.1945
127.	Покистон	Покистон Ислом Республикаси	30.09.1947
128.	Польша	Польша Республикаси	24.10.1945
129.	Португалия	Португалия Республикаси	14.12.1955
130.	Россия	Россия Федерацияси	24.10.1945
131.	Руанда	Руанда Республикаси	18.09.1962
132.	Руминия	Руминия Республикаси	14.12.1955
133.	Сальвадор	Сальвадор Республикаси	24.10.1945
134.	Самоа	Самоа Мустақил Давлати	15.12.1976
135.	Сан-Марино Республикаси	Сан-Марино Республикаси	02.03.1992
136.	Сан-Томе ва Принсипи	Сан-Томе ва Принсипи Демократик Республикаси	16.09.1975
137.	Саудия Арабистони	Саудия Арабистони Қироллиги	24.10.1945
138.	Свазиленд	Свазиленд Қироллиги	24.09.1968
139.	Сейшел ороллари	Сейшел Республикаси	21.09.1976
140.	Сенегал	Сенегал Республикаси	28.09.1960
141.	Сент-Винсент ва Гренадинлар	Сент-Винсент ва Гренадинлар	16.09.1980

	Гренадинлар		
142.	Сент-Кинтс ва Невис	Сент-Кинтс ва Невис	23.09.1983
143.	Сент-Люсия	Сент-Люсия	18.09.1979
144.	Сербия	Сербия Республикаси	01.11.2000
145.	Серра-Леоне	Серра-Леоне Республикаси	27.09.1961
146.	Сингапур	Сингапур Республикаси	21.09.1965
147.	Словакия	Словакия Республикаси	19.01.1993
148.	Словения	Словения Республикаси	22.05.1992
149.	Соломон ороллари	Соломон ороллари	19.09.1978
150.	Сомали	Сомали	20.09.1960
151.	Судан	Судан Республикаси	12.11.1956
152.	Суринам	Суринам Республикаси	04.12.1975
153.	Сурия	Сурия Араб Республикаси	24.10.1945
154.	Таиланд	Таиланд Қироллиги	16.12.1946
155.	Танзания	Танзания Бирлашган Республикаси	14.12.1961
156.	Того	Того Республикаси	20.09.1960
157.	Тоҷикистон	Тоҷикистон Республикаси	02.03.1992
158.	Тонга	Тонга Қироллиги	14.09.1999
159.	Тринидад ва Тобаго	Тринидад ва Тобаго Республикаси	18.09.1962
160.	Тувалу	Тувалу	05.09.2000
161.	Тунис	Тунис Республикаси	12.11.1956
162.	Туркия	Туркия Республикаси	24.10.1945
163.	Туркманистон	Туркманистон	02.03.1992
164.	Уганда	Уганда Республикаси	25.10.1962
165.	Украина	Украина	24.10.1945
166.	Уммон	Уммон Султонлиги	07.10.1971
167.	Уругвай	Шарқий Уругвай Республикаси	18.12.1945
168.	Ўзбекистон	Ўзбекистон Республикаси	02.03.1992
169.	Фижи	Фижи ороллари Республикаси	13.10.1970
170.	Финляндия	Финляндия Республикаси	14.12.1955
171.	Филиппин	Филиппин Республикаси	24.10.1945
172.	Франция	Франция Республикаси	24.10.1945
173.	Ҳиндистон	Ҳиндистон Республикаси	30.10.1945
174.	Хитой	Хитой Ҳалқ Республикаси	24.10.1945
175.	Хорватия	Хорватия Республикаси	22.05.1992
176.	Чад	Чад Республикаси	20.09.1960
177.	Черногория	Черногория Республикаси	28.06.2006
178.	Чехия	Чехия Республикаси	19.01.1993
179.	Чили	Чили Республикаси	24.10.1945
180.	Шарқий Тимор	Шарқий Тимор Демократик	27.09.2002

		Республикаси	
181.	Швейцария	Швейцария Конфедерацияси	10.09.2002
182.	Швеция	Швеция Қироллиги	19.11.1946
183.	Шри-Ланка	Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси	14.12.1955
184.	Эквадор	Эквадор Республикаси	21.12.1945
185.	Экваториал Гвинея	Экваториал Гвинея Республикаси	12.11.1968
186.	Эритрея	Эритрея давлати	28.05.1993
187.	Эрон	Эрон Ислом Республикаси	24.10.1945
188.	Эстония	Эстония Республикаси	17.09.1991
189.	Эфиопия	Эфиопия Федератив Демократик Республикаси	13.11.1945
190.	Ямайка	Ямайка	18.09.1962
191.	Яман	Яман Республикаси	30.09.1947
192.	Янги Зеландия	Янги Зеландия	24.10.1945
193.	Япония	Япония	18.12.1956

### **Тан олинмаган давлатлар**

1. Абхазия (кўп давлатлар уни Грузиянинг бир қисми деб тан олишади)
2. Вазиристон (расман – Покистоннинг бир қисми)
3. Галмудуг (расман – Сомалининг бир қисми)
4. Жанубий Осетия (кўп давлатлар уни Грузиянинг бир қисми деб тан олишади)
5. Косово (кўп давлатлар уни Сербиянинг бир қисми деб тан олишади)
6. Приднестровье (кўп давлатлар уни Молдавиянинг бир қисми деб тан олишади)
7. Пунтленд (расман – Сомалининг бир қисми)
8. Сомалиленд (расман – Сомалининг бир қисми)
9. Тайван ёки Хитой Республикаси (кўп давлатлар уни Хитой Халқ Республикасининг бир қисми деб тан олишади)
10. Тамил- Илам (расман Шри-Ланканинг бир қисми ҳисобланади)
11. Тоғли-Қорабоғ Республикаси (кўп давлатлар уни Озарбайжоннинг бир қисми деб тан олишади)
12. Шимолий Кипр Турк Республикаси (кўп давлатлар уни Кипрнинг бир қисми деб тан олишади)

### **Мақоми номаълум давлатлар**

Мақоми номаълум давлатлар қаторига қуидаги 3 та давлат киради:

1. Ғарбий Сахара (Марокко тасарруфида)

- Фаластин (озгина қисми Истроил тасарруфида)
- Силенд (худуд расман ҳеч қайси давлатнинг, шу жумладан Буюк Британиянинг ҳам тасарруфида эмас).

### **Давлат шаклидаги тузилма**

1. Малъта ордени БМТ ҳузурида кузатувчи мақомига эга бўлиб, Россия, шу жумладан, 104 та давлатлар билан дипломатик алоқалар олиб боради. Малъта ордени баъзан Митти давлат ҳам дейилади.

### **Қарам худудлар**

Ўз мустақиллигига эга бўлмаган, аммо давлат белгилариға масалан, ўзининг ҳудуди, чегараси, аҳолиси ва бошқаларга эга бўлган қарам ҳудуд ва давлатлар:

- Азов ороллари (Португалиянинг Атлантика океанидаги муҳтор ҳудуди)
- Аланд ороллари (Финляндиянинг муҳтор вилояти ва маҳсус халқаро шартнома асосида бошқарилади)
- Америка Самоаси денгиз орти бошқариш тизимиға эга (АҚШга тегишли бўлмаган ҳудуд, шунингдек Шарқий Самоа деб ҳам аталади)
- Ангилья (Буюк Британиянинг денгиз орти ҳудуди)
- Антил ороллари-Голландиянинг Антил ороллари (Голландия Қироллигининг муҳтор ҳудуди)
- Аомин (Макао) - Аомин Хитой Халқ Республикасининг маҳсус маъмурий ҳудуди ҳисобланади (ҳудуд Хитой томонидан маҳсус халқаро шартнома асосида бошқарилади)
- Аруба (Нидерландия Қироллигининг муҳтор ҳудуди)
- Ашмор ва Карте ороллари – (Ашмор ва Карте ороллари ҳудуди, Австралиянинг ташқи ҳудуди ва доимий яшовчи аҳолига эга эмас)
- Бермуд ороллари (Буюк Британиянинг денгиз орти ҳудуди)
- Ҳинд Океанидаги Буюк Британия ҳудудлари (Буюк Британиянинг денгиз орти ҳудуди - Чагос ороллари)
- Виргин ороллари - Британия Виргин ороллари (Буюк Британиянинг денгиз орти ҳудуди)
- Бuve ороли (Норвегия тасарруфида)
- Виргин ороллари - АҚШнинг Виргин ороллари (АҚШ тасарруфидаги денгиз орти ҳудуди)
- Гаделупа (Франция денгиз орти ҳудуди)
- Гвиана – Француз Гвианаси (Франция денгиз орти ҳудуди)
- Гернси (Нормандия оролларида жойлашган Буюк Британиянинг маҳаллий ери)
- Гибралтар (Буюк Британиянинг денгиз орти ҳудуди)

18. Гонгконг (Сянган)- Хитой Халқ Республикасининг махсус маъмурий вилояти ҳисобланади (вилоят Хитой томонидан махсус халқаро шартнома асосида бошқарилади)
19. Гренландия (Дания мухтор ҳудуди)
20. Гуам (АҚШ тасарруфидаги денгиз орти ҳудуд)
21. Жерси (Буюк Британиянинг маҳаллий ери)
22. Ғарбий Сахара – Сахара Араб Демократик Республикаси (катта қисми Марокко томонидан ишғол қилинган ва қўшиб олинган)
23. Кайман ороллари (Буюк Британиянинг денгиз орти ҳудуди)
24. Канар ороллари (Испания мухтор ҳамжамияти)
25. Клиппертон ороли (Франциянинг доимий яшовчи аҳолисига эга бўлмаган денгиз орти ҳудуди ва бу Франция Полинезияси тасарруфидан 21.02.2007 йилда чиқарилган)
26. Кокос ороллари (Австралия ташқи ҳудуди)
27. Кука ороли (ҳудуд, Янги Зеландия билан биргаликда мустақил ўз-ўзини бошқариш тизимига эга)
28. Мадейра (орол) (Атлантика Океанидаги Португалия мухтор ҳудуди)
29. Майотта (Франция денгиз орти ҳудуди)
30. Тинч Океан Кичик ороллари–Тинч Океан Кичик бир-биридан узок ороллари. АҚШнинг доимий яшовчи аҳолисига эга бўлмаган денгиз орти ҳудудлари (шунингдек Бейкер, Джонстон, Джервис, Хауленд, Кингмен, Мидуей, Палмира, Уэйк ороллари)
31. Мартиника (Франция денгиз орти ҳудуди)
32. Мелиля- Африкадаги Испаниянинг мухтор шаҳри (Марокко Ўрта Ер денгизи қирғофида)
33. Монтсеррат (Буюк Британиянинг денгиз орти ҳудуди)
34. Мэн- Мэн ороли (Буюк Британиянинг маҳаллий ери)
35. Навасса - Навасса ороли: Доимий яшовчи аҳолисига эга бўлмаган АҚШнинг денгиз орти ҳудуди, Гаити Республикаси билан баҳсли ҳудуд
36. Ниуэ (Янги Зеландия билан биргаликда мустақил ўз-ўзини бошқариш тизимига эга)
37. Янги Каледония (Франция денгиз орти ҳудуди)
38. Норфолк- Норфолк ороли (Австралия ташқи ҳудуди)
39. Коралл денгизи ороллари (муқим яшовчи аҳолисига эга бўлмаган Австралия ташқи ҳудуди)
40. Фаластина-Фаластин мухторияти / Фаластин давлати (ҳудуд, Исроил томонидан бошқарилади, шунингдек Газо Сектори ва Иордан дарёси ғарбий соҳили)
41. Питкэрн (Буюк Британия денгиз орти ҳудуди)

42. Пуэрто-Рико – Пуэрто-Рико Ҳамдўстлиги (АҚШнинг қўшиб олинмаган денгиз орти ҳудуди)
43. Реюньон (Франция денгиз орти ҳудуди)
44. Рождество ороли (Австралия ташқи ҳудуди)
45. Свальбард (ҳудуд, Норвегия томонидан махсус халқаро шартнома асосида бошқарилади; Шпицберген ва Медвежий ороллари ҳам киради)
46. Муқаддас Елена ороли (Буюк Британия денгиз орти ҳудуди; Тристан-да-Кунья ва Вознесения ороллари ҳам киради)
47. Шимолий Мариан ороллари – Шимолий Мариан ороллари Ҳамдўстлиги (АҚШнинг қўшиб олинмаган денгиз орти ҳудуди)
48. Сен-Бартельми (Франция денгиз орти ҳудуди, Гваделупа таркибидан 21.02.2007 йилда алоҳида ҳудуд сифатида чиқарилган)
49. Сен-Мартен (оролнинг шимолий ҳудуди): Франция денгиз орти ҳудуди, Гваделупа таркибидан 21.07.2007 йилда алоҳида ҳудуд сифатида чиқарилган
50. Сен-Пьер ва Микелон (Франция денгиз орти ҳудуди)
51. Сеута (Испаниянинг Африкадаги муҳтор шаҳари)
52. Тёркс ва Кайкос (Буюк Британия денгиз орти ҳудуди)
53. Токелау (Юнион): Янги Зеландия бошқарувидаги ҳудуд
54. Уоллис ва Фатуна-Уоллис ва Фатуна ороллари (Франция денгиз орти ҳудуди)
55. Фарер ороллари (Франция бошқарувидаги ҳудуд)
56. Фолкленд ороллари – Фолкленд (Мальвин) ороллари (Буюк Британия денгиз орти ҳудуди, Арgentина билан баҳсли ҳудудлар)
57. Француз Полинезияси (Франция денгиз орти ҳудуди)
58. Француз Жанубий Ҳудудлари – Француз Жанубий ва Антарктика Ҳудудлари (Франция денгиз орти ҳудудлари, Ҳинд океани бўйлаб ёйилиб кетган доимий яшовчи аҳолисига эга бўлмаган ороллар)
59. Херд ва Макдоналд ороллари (муқим аҳолисига эга бўлмаган Австралия ташқи ҳудуди)
60. Эпарсе ороллари, (PlesEpares) Франция денгиз орти ҳудудлари (Басасда-Хинdistон, Глорьёз, Европа, Жуан-ди-Нова (Мадагаскар билан баҳсли ҳудуд) ва Тромлен (Маврикий билан баҳсли ҳудуд) лар маъмурий равишда Француз Жанубий ва Антарктика Ҳудудлари таркибиiga киради)
61. Жанубий Геorgia ва Жанубий Сандвич ороллари (Буюк Британия денгиз орти ҳудуди, Арgentина билан баҳсли ҳудудлар)
62. Ян-Майен – Ян-Майен ороли (Норвегия бошқарувида) [4].

Давлатларнинг географик жойлашиши одатда уларнинг дунё океанларига бевосита ва билвосита чиқиши имкониятларига қараб бўлинади.

Денгизолди давлатлари орасида, биринчи навбатда, орол давлатларини кўрсатиш мумкин (масалан, Ирландия ва Исландия Европада, Шри-Ланка Осиёда, Мадагаскар Африкада, Куба Америкада, Янги Зеландия Океанияда).

Орол давлатлар – архипелаглардир. Масалан, Индонезия 13 000 та, Филиппин 7 000 та, Япония эса деярли 4 000 та оролларда жойлашган.

Дунё океанларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга бўлмаган давлатлар сони 43 та. Улар орасида 9 та МДҲ давлатлари, 12 та Европа, 5 та Осиё, 15 та Африка ва 2 та Лотин Америкаси давлатлари. Мамлакатларнинг дунё океанларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга эмасликлари уларнинг ноқулай географик жойда жойлашганликларига боғлиқ[5].

БМТ бош котиби Пан Ги Мун ўзининг аҳоли ва тараққиёт бўйича БМТ комиссиясининг 2014 йил 47-сессияда сўзлаган нутқида дунё аҳолиси 7,2 млрд. эканлигини айтди. Хозир эса Ер юзи аҳолиси 7,4 миллиардни ташкил этади.

БМТ аҳолишунослик жамғармаси маълумотига кўра, планетамиз аҳолиси 1820 й. 1 млрд., 1927 й. 2 млрд., 1960 й. 3 млрд., 1974 й. 4 млрд., 1987 й. 5 млрд., 1999 й. 6 млрд., 2012 й. 7 млрд.га ўсди.

БМТ ва Вашингтон университети олимларининг таъкидлашича, Ер юзи аҳолиси 2100 йилга бориб 11 миллиардга етади. Ер юзи аҳолисини ўсиб бориш кўрсаткичлари қуидаги жадвалда берилган:

<i>Йиллар</i>	<i>Аҳоли сони</i>	<i>Йиллар</i>	<i>Аҳоли сони</i>
<b>1955</b>	<b>2.761.650.000</b>	<b>2030</b>	<b>8.424.937.000</b>
<b>1960</b>	<b>3.026.002.000</b>	<b>2035</b>	<b>8.743.446.000</b>
<b>1965</b>	<b>3.329.122.000</b>	<b>2040</b>	<b>9.038.687.000</b>
<b>1970</b>	<b>3.691.172.000</b>	<b>2045</b>	<b>9.308.438.000</b>
<b>1975</b>	<b>4.071.020.000</b>	<b>2050</b>	<b>9.550.944.000</b>
<b>1980</b>	<b>4.449.048.000</b>	<b>2055</b>	<b>9.766.475.000</b>
<b>1985</b>	<b>4.863.601.000</b>	<b>2060</b>	<b>9.957.398.000</b>
<b>1990</b>	<b>5.320.816.000</b>	<b>2065</b>	<b>10.127.006.000</b>
<b>1995</b>	<b>5.741.822.000</b>	<b>2070</b>	<b>10.277.339.000</b>
<b>2000</b>	<b>6.127.700.000</b>	<b>2075</b>	<b>10.409.149.000</b>
<b>2005</b>	<b>6.514.094.000</b>	<b>2080</b>	<b>10.524.161.000</b>
<b>2010</b>	<b>6.916.183.000</b>	<b>2085</b>	<b>10.626.467.000</b>
<b>2015</b>	<b>7.324.782.000</b>	<b>2090</b>	<b>10.717.401.000</b>
<b>2020</b>	<b>7.716.749.000</b>	<b>2095</b>	<b>10.794.252.000</b>
<b>2025</b>	<b>8.083.412.000</b>	<b>2100</b>	<b>10.853.848.000 [6].</b>

Б  
М  
Т  
ма  
ъл  
ум  
от  
иг  
а  
кў  
ра  
20  
50  
ий  
лга

Келиб, дунё аҳолисининг ярмидан кўпи Осиёда, 1/4 қисми Африкада, 8,2% Лотин Америкасида, 7,4% Европада, 4,7% Шимолий Америкада яшайди [7].

Дунё майдони 510 072 000 км<sup>2</sup> ташкил этади, шундан - 148 940 км<sup>2</sup> куруқлик (29,2%) ва 361 132 000 км<sup>2</sup> сувлик (70,8%) дан иборат[8].

Тинч океани энг катта океан ҳисобланади. Унинг майдони - 178,7 млн. км<sup>2</sup>. Ушбу океан энг чуқур океан ҳам ҳисобланади: жануби-шарқий Гуам оролидан то шимоли-гарбий Мариан оролларигача ястаниб ётган Мариан чуқурлиги 11 034 м. Атлантика океанининг майдони 91,6 млн. км<sup>2</sup>, Ҳинд океани - 76,2 млн. км<sup>2</sup>, Антарктика океани эса - 20, 327 млн. км<sup>2</sup>. Шимолий Муз океанининг ер майдони тахминан 14 млн. км<sup>2</sup>.

**Антарктида- нейтрал ҳудуд.** Антарктида Шартномасига қўра унга шундай мақом берилган, бироқ 7 давлат ўртасида 8 ҳудудга даъвогарлик бор:

1. Аргентина Антарктидаси (Аргентина)
2. Австралия Антарктида ҳудуди (Австралия)
3. Чили Антарктидаси (Чили)
4. Аделя Ери (Франция)
5. Британия Антарктида ҳудуди (Буюк Британия)
6. Росса ҳудуди (Янги Зеландия)
7. Мод қироличаси ери ва Пётр I ороли (Норвегия) [9].

Ушбу мақолада дунё мамлакатлари ва ҳудудлари ҳақида энг зарур маълумотлар берилди. Янги ва қизиқарли маълумотлар асосида сухбатимизни давом эттириш ниятидамиз.

### **Манбалар**

1. [http:// langopedia.ru/2013/10/28/ сколько- в- мире –стран/](http://langopedia.ru/2013/10/28/ сколько- в- мире –стран/)
2. [http://www.e-reading.club/chapter.php/127765/3/Maksakovskii\\_...](http://www.e-reading.club/chapter.php/127765/3/Maksakovskii_...)
3. On map3,2014 Nika News No Comment Метки: Nika News, страны
4. [http://raj-sveta.lyssemusu.ru/materials-travel/detail.php?ELEMENT\\_ID=679](http://raj-sveta.lyssemusu.ru/materials-travel/detail.php?ELEMENT_ID=679)
5. www.e-reading.club/geograficheskaya\_kartina\_mira.html
6. <http://populationpyramid.net/ru>
7. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
8. [www.e-reading.club/geograficheskaya\\_kartina\\_mira.html](http://www.e-reading.club/geograficheskaya_kartina_mira.html)
9. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>